

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг  
2016 йил 27 сентябрдаги  
1512д-сонли хужжат билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## ССПГА АЪЗОЛИККА КИРИШ УЧУН ОНЛАЙН АРИЗА РЕГЛАМЕНТИ

### 1.1. Номи

ССПга аъзоликка кириш учун онлайн ариза

### 1.2. Хизмат кўрсатувчи бўлим

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Ахборот ва бизнес юритишга маслаҳат бериш бўлими

### 1.3. Хуқуқий асоси

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 сентябрьдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 441-сонли Қарори ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Устави.

### 1.4. Хизматдан фойдаланувчилар

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахс ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган жисмоний шахс кўринишидаги тадбиркорлик субъектлари.

### 1.5. Ижро муддати

Мурожаат Палатага келиб тушган кундан эътиборан уч иш қуни мобайнида кўриб чиқилади ва мурожаатчига хабар берилади.

### 1.6. Аризачини хабардор қилиш

Мурожаатчига мурожаатининг ижроси бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Ахборот ва бизнес юритишга маслаҳат бериш бўлимининг масъул ходимлари томонидан хабардор қилинади.

### 1.7. Аризага илова қилинадиган хужжатлар

Тадбиркорлик субъектининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси.

### 1.8. Ариза ижроси вақти

Ариза ижроси фақатгина иш қуни ва иш вақтида амалга оширилади.

### 1.9. Ариза ижроси жараёни

Ариза қабул қилингандан сўнг, аризачи томонидан Палатанинг аъзолик анкетаси тўлдирилади, Палата билан Палатага аъзоликка кириш шартномаси имзоланади ҳамда аризачи томонидан шартномада белгиланган миқдорда аъзолик бадаллари тўланади.

### 1.10. Рад қилиш асослари

Аноним мурожаатлар;

Амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.